

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИККА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ЖИҲАТЛАРИ

Шоҳруҳбек Шавкатжон ўғли Қаҳхоров

Тошкент молия институти магистранти

woxrux0708@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсатини амалга ошириш борасидаги фикрлар, унинг иқтисодий фаолликни оширишга қаратилганлиги ва йўналтирилганлиги, иқтисодий фаоллик даражаси индекси каби масалалар алоҳида ўрин олган бўлиб, кейинги йиллардаги солиқ соҳасидаги тегишли ўзгаришларнинг мамлакат иқтисодий фаолиятига таъсири ва иқтисодий фаолликнинг устивор жиҳатлари баён қилинган.

Kalit so'zlar: солиқ, солиқ сиёсати, бюджет сиёсати, солиқ юки, маҳаллий солиқлар, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ижтимоий тўловлар, солиқ тўлов, замонавий солиқ.

PRIORITY ASPECTS OF TAX POLICY TOWARDS ECONOMIC ACTIVITY

ABSTRACT

The article has a special place in the implementation of the tax policy in our country, its focus and direction on increasing economic activity, the index of the level of economic activity, the impact of the relevant changes in the tax sphere in the following years on the economic activity of the country and the main aspects of economic activity are described.

Keywords: Tax, Tax Policy, Budget Policy, tax burden, local taxes, profit tax, property tax, single social payment, social payment, tax payment, modern tax.

КИРИШ

Маълумки, солиқ сиёсати давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солишининг самарали воситаларидан бири сифатида солиққа тортиш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган иқтисодий, ҳукуқий ва ташкилий- назорат тизимини

такомиллаштиришга асосланган чора-тадбирлари йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Солик сиёсати назарий жиҳатдан давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишининг билвосита усули ҳисобланади ва давлат ҳамда солик тўловчиларнинг ўзаро молиявий манфаатдорлиги мувозанати орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мақсадларига йўналтирилади. Айнан мана шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган солик сиёсати, аввало, солик юкини қисқартириш, солик маъмурчилиги самарали воситаларини кенг қўллаш ва соликка тортиш тизимини соддалаштириш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган ислохотларга қаратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 26-июндаги “Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини такомиллаштириш концепциясида” мамлакатимизда солик маъмурчилигини такомиллаштириш, солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини камайтириш, солик муносабатларини амалга оширишда халқаро амалиётдаги илгор тажрибалардан фойдаланган ҳолда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали солик тўловчилар билан солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ жараёнларни шаффофлигини таъминлаш масалалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини такомиллаштириш концепциясида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, хусусан:

- умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солиқларни тўловчилар ўртасидаги солик юкини тенг тақсимлаш;
- маҳсулот таннархини қимматлашишига олиб келадиган мажбурий тўловларни бекор қилиш ва ҚҚС ундиришнинг самарали тизимини жорий этиш;
- солик тўловчилар томонидан ходимлар реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келадиган солик ставкаларини пасайтириш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бевосита аралашибни камайтириш ва назорат фаолиятини амалга оширишни хавфли-таҳлил натижаларидан келиб чиқиб амалга ошириш;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг йиғулувчанлик даражасини ошириш, кучмас мулк ва ер участкаларидан олинадиган солиқлар

самарадорлигини ошириш тартибларига ўтиш бўйича тегишли ҳукукий меъёрлар қабул қилинди.

Жумладан, юридик шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар бўйича, фойда солиғи ставкаси 2 фоизга, дивидендан олинадиган солиқ ставкаси 5 фоизга, мол-мулк солиғи ставкаси 3 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 3 фоизга камайтирилди ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўлаш бекор қилинди.

Иш ҳақидан олинадиган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқни даромадни ортиб боришидан тўрт погонали прогрессив ставка бўйича солиқ ҳисоблаш тартиби бекор қилиниб, барча даромадлардан 12 фоизли текис ставка бўйича солиқ ҳисоблаш тартиби белгиланди. Жисмоний шахсларнинг дивиденд даромадларидан олинадиган солиқ ставкаси 5 фоизга, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртacha 20 фоизга пасайтирилди. Жисмоний шахслар даромадларидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 8 фоизлик ставка бўйича суғурта бадалини ҳисоблаш ва ундириш тартиби бекор қилинди.

Юридик шахслар томонидан ягона ижтимоий тўловни ва микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини энг кам миқдорларидан келиб чиқиб тўлаш, юридик шахслар учун улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдорини якка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлаш, фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов тўлаш таърифлари бекор қилинди.

Соддалаштирилган тизимда солиқ тўловчиларни ходимлар сонидан келиб чиқиб, умумбелгиланган солиқ тизимиға ўтказиш тартиби бекор қилиниб, 2019-йилдан бошлаб солиқ даврида олинган ялпи тушумидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаш тартиби жорий этилди ва ялпи тушумнинг чегаравий миқдори 1 миллиард сўм қилиб белгиланди.

Шунингдек, 2019-йилдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан соддалаштирилган тизимда солиқ тўловчилар) учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдалангандик учун солиқларни тўлаш жорий этилди.

Шу борадаги солик тизимидағи тегишли ўзгаришлар натижасыда ҳар бир худуд бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилган ҳолда иқтисодий фаолликка алоҳида эътибор қаратилмоқда яъни, мамлакатнинг 14 та худуди бўйича 2021 йилнинг июнь ва июль ойлари учун «Худудларда иқтисодий фаоллик барометри» баҳоланди ва ҳудудлар рейтинги тузилди. ИФБ жорий йилнинг маълум бир даврида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар ўртасида кузатилган иқтисодий фаоллик даражасини кўрсатади ва у ҳар ойда ҳисоблаб борилади. Баҳолаш натижаларига кўра, 2021 йилнинг январь-июль ойларида Тошкент шаҳри энг юқори фаоллик барометри индекси (0,707) билан рейтингда 1-ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни Самарқанд (0,613) ва Сирдарё (0,610) вилоятлари эгаллади.

Иқтисодий фаоллик барометри Навоий (0,370), Сурхондарё (0,391) ва Андижон (0,468) вилоятларида нисбатан паст бўлди ва улар мос равиша рейтингда паст ўринларни эгаллади. ИФБни баҳолашда қуйидаги ўналишлар бўйича кўрсаткичлардан фойдаланилди.

1. Ишлаб чиқариш фаоллиги – ҳудудда саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари, хизмат кўрсатиш ва чакана савдо айланмаси ҳажмларидаги ўсиш суръатларини ифодалайдиган 5 та кўрсаткич.


2. Тадбиркорлик фаоллиги – фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари, янги ташкил этилган ва фаолиятини тутатган кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиш суръатлари, фаолият юритмаётган ва фаолияти ихтиёрий тутатиш жараёнидаги кичик бизнес субъектларининг рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сонидаги улушини ифодалайдиган 5 та кўрсаткич.

3. Ташқа савдо фаоллиги – товар ва хизматлар экспорт-импорт ҳажмларининг ўсиш суръатларини ифодалайдиган 2 та кўрсаткич.

ИФБни ҳисоблашда нисбий фарқлар ва ўзаро таққослаш услубларидан фойдаланилди ва ИФБ кўрсаткичи интеграл индексда ифодаланди. Бунда, «0»дан «1»гача қийматга эга бўлган интеграл индекс қанча «1»га яқин бўлса, жорий фаоллик даражаси шунча юқорилигини англатади ва аксинча.

2021 йилнинг январь-июль ойлари учун ҳисобланган иқтисодий фаоллик барометри (индексда)¹

¹ Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотларидан фойдаланилган.



Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти ишлаб чиқариш (0,749-0,861) ва ташқи савдо фаоллиги (0,671-0,716) ҳамда Самарқанд вилояти ташқи савдо (0,715) ва тадбиркорлик (0,676) фаоллиги нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги сабабли ИФБ бўйича рейтингда юқори ўринларни эгаллади.

Навоий вилоятида ишлаб чиқариш (0,254) ва ташқи савдо фаоллиги (0,395), Сурхондарё ва Андижон ишлаб чиқариш (0,273-0,402) ва тадбиркорлик (0,367-0,469) фаоллиги омиллари сабабли ушбу ҳудудларда фаоллик барометри нисбатан паст бўлди.

Албатта, солик сиёсати орқали иқтисодий фаолликни янада оширишда солик мажбуриятларини мажбуран бажариш амалиётини яхшилаш, бу борада, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ўз вақтида тушиши тўғрисида қўшимча кафолатларни жорий этиш, жарима санкцияларни қўллаш амалиётини қайта кўриб чиқиш, йирик харажатларни мониторинг қилиш асосида аҳоли даромадларини ялпи декларациялаш тизимига босқичма-боқич ўтишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, инвесторлар ва тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш учун солик юкини камайтириш, ихчам, содда ва барқарор солик тизимини жорий этиш бўйича:

мамлакат инвестицион жозибадорлиги ва ишбилиармонлик муҳитини ошириш бўйича ташаббусларни қўллаб-куватлаш ва бу борада, солик юкини оптималлаштириш, солик мажбуриятларини бажарган ва тадбиркорликни ихтиёрий легаллаштирган солик тўловчиларни рағбатлантириш тадбирларини

қўллаш, солик тизимининг нейтраллиги ва траншерикликни ошириш масалалари бўйича давлат органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан Молия вазирлиги ва бошқа вазирликлар билан ҳамкорликда инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга, солик юкини оптималлаштириш (камайтириш ва тенглаштириш) мақсадида, умумбелгиланган ва соддалаштирилган солик режимлари бўйича номутаносибликни бартараф этиш, соддалаштирилган солик режимидаги солик тўловчиларда юзага келаётган негатив ҳолатларни енгиллаштириш ва солик муносабатларида рационал фискал механизmlарни шакллантириш, хусусан солик тўловчиларни солик мажбуриятини ихтиёрий бажаришни рағбатлантириш орқади яширин иқтисодиётни қисқартиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш зарур бўлади.

ХУЛОСА

Албатта, кейинги йиллардаги солик қонунчилигига жорий этилган ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришлар натижасида қўлга киритилган дастлабки натижалар бу солик сиёсатимизда кўзда тутилган ислоҳотларни бир қисми холос, бугунги кунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида кўзда тутилган йирик ҳажмдаги вазифаларни амалга оширишда, солик тизимини тубдан ислоҳ қилиш талаб этилади.

Бунинг учун солик сиёсатини тубдан ислоҳ қилишда қуйидаги муаммоларни ўрганиб чиқиш лозим:

- идоралараро ахборот алмашиниш тизимининг етарли даражада такомиллашмаганлиги соликлар ҳисобини юритиш сифатини ёмонлаштиради ва бу ўз навбатида солик базасини кенгайтиришга тўсқинлик қилиб, давлат бюджетига соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барқарор тушиб туришини таъминламайди;

- солик тизимининг етарли даражада оптималлаштирилмаганлиги, вертикаль назорат тизимини ва солик органлари ваколатларини такомиллаштирилмаганлиги, солик соҳасида институционал ислоҳотларнинг амал қилиши даражаси қониқарсиз даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

– мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида “яширин” иқтисодиёт улушининг салмоқли даражада қолаётганлиги, солик юкини янада пасайтириш ва бизнесни ташкил қилиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун тўсқинлик қилмоқда;

– солик тўловчилар талаблари қондирилишининг паст даражадалиги, қонунчилик меъёрларига амал қилишнинг ортишига ва улар билан ишончли ҳамкорликни ўсиб боришига тўсқинлик қилмоқда;

– солик режимларига талаб даражасида амал қилинмаслиги, бюджетта солик тушумлари даражасининг ошишига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланиб, жаҳон бозорларида капитал қўйилмалар рақобарбардошлигини ошириш мақсадида, хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда;

– солик юкининг тақсимланишидаги юқори тафовут, умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солик тўловчилар ўртасидаги катта фарқ, бизнеснинг майдалашиб кетишига сабаб бўлмоқда, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларининг тор доирада қолиб кетишига, маҳсулот рақобатбардошлигининг пасайиб унинг “яширин” иқтисодиётга ўтиб кетишига сабаб бўлмоқда;

– юқори натижаларга эришаётган эталон-мамлакатларнинг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланмаслиги, давлат солик хизмати органлари фаолиятида корпоратив бошқариш, корпоратив муносабатлар ва тамойилларнинг ривожланмаслигига сабаб бўлмоқда;

– Солик кодекси тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат бўлмасдан, солик қонунчилиги меъёрлари бошқа бир қатор қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Хусусан, солик ставкаларининг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан қайта кўриб чиқилиши хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигига таъсир этмоқда;

– солик хизмати органлари инфраструктурасида манан ва жисмонан эскирган информацион технологиялар салмоғининг юқорилиги, солик тизимини автоматлаштириш даражасининг пастлигига ва солик маъмурчилигига замонавий рақамли инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек қонунчилик меъёрларига амал қилишда рискларни бошқариш учун тўсқинлик қилувчи ҳолат бўлиб қолмоқда;

– давлат солик хизмати органларида профессионал кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ва ходимларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш

масалаларининг сезиларли даражада пасайиб кетгандиги ходимлар фаолияти самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар мамлакат солик тизимини жадал риволанишига, инвестицияларни жалб қилишга, иқтисодиётни, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ўсишига тўскинлик қилмоқда шу боис бу каби муаммоларга ечим топиш натижасида мамлакат иқтисодиётининг фаоллигши янада ортган бўлур эди.

REFERENCES

1. Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти маълумотларидан фойдаланилган.
2. Узбекистон Республикаси Солик кодекиси. –Т. «Адолат», 2012
3. Узбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тугрисида»ги Конуни. Халқ сузи 1997 йил 29 август
4. Алъмардонов М.И., Худойкулов. С.К., Даромад (фойда)дан олинадиган сцликлар. Укув кулланма. –Т. ТМИ, 2002
5. Алъмардонов М.И., Щмонщв А. Соликларни прогноз килиш. Укув кулланма. –Т. ТМИ, 2002